

ОАТИН ОАМА, ДУО ОА!



Далибой ота ва Каромат момо Ортиқовлар қўшгани билан қўша қариган пиру бадавлат оилалардан. Эллик йилдирки, улар ҳаётда ёнма-ён яшаб турмуш қувончлари-ю ташвишларини бирга тортиб келишмоқда. Инсон ёши ўтгани, аниқроғи белидан куч-қувват кетиб, кексалик деган ном қалбидан жой олгани сайин бир-бирига суяниб, меҳрибон бўлиб қоларкан.

Бу оилада олтита фарзанд вояга етди: уч ўғил, уч қиз. Далибой ота билан Каромат момонинг бағрилари невараларга ҳам тўла.

Кексалар дуога қўл очаркан, энг аввало юртимизда тинчлик-осойишталик бўлишини, хонадонларимизга ҳамиша нур ёғилиб туришини Аллоҳдан мудом тилаб қолишади.

Миробид МИРСОДИҚОВ олган сурат

ЎШБҲ
СОҲДА

«АЖАЛ
ХИЁБОНИ»
ҚИССАСИНИНГ
ДАВОМИ

8

«СИНГАН
КҮНГИЛ
ИЗҲОРИ»

7

«БОШПАНАСИЗ
ҚОЛМАСАК,
ДЕЙМИЗ»

6

«У ҲАМ
ЎЗ
ТЕНГИНИ
ТОПСА...»

5

АКС
САДО

4

«ЭЛ
НАЗАРИГА
ТУШГАН
ИНСОН»

3

«ЭЪТИҚОД»

2

ЎШБҲ
СОҲДА

Яйра опа таниқли журналист, бир неча йиллар «Гулхан» ва «Гунча» журналларида бош муҳаррир бўлиб ишлаганлар. Мана икки йилдирки, уйда оила, бола-чақа бағридалар.

— Яйра опа, уйда ўтирган аёл...

— Ҳим, худди мен уйлаб юрган саволни бердингиз. Кейинги пайтда «Аёл уйга яралган, аёл уйга қайтиши керак», деган гаплар юрибди. Қайси аёл, қандай аёл ҳақида гап бормоқда. Менимча, бу фикр нисбий тушулганга эга. Негаки, ҳамма аёлни ҳозир ёлпасига уйга қиритиб қуриг-чи! Бир тоифа аёллар бор, улар ҳақиқатан уйга яралган дейсиз. Яна шундай аёллар борки, уларни уйда ўтиргизиб бўлмайди. Тўрт девор унга торлик қилади. У катта юксак орзулар қанотида сузади ва ўзини шунга шайлайди. Кутбихон, мана сиз билан биз ҳам уйни, ҳам қўнани эпладик, дея оламиз. Сиз ҳозир иқтисод билан шуғулланганидан олима ёки табиркор аёлни уйга киргизаман, деб қуриг-чи. Унинг ўзи кенгликка чиқиб кетади. Негаки, бу аёл ҳозирги бозор муносабатлари даврида юрт ва эл олдиде кераж-лигини, ўз фуқаролик ва миллати олдидеги бурчини англаб етган.

Ойлангиз моддий-маънавий кутарилиши — бу жамиятнинг моддий маънавий кутарилиши эмасми? Мана бунини эътиқод деб биламан. Эътиқодсиз одам — ҳаракатсиз одамдир.

Энди ишлайдиган пайт келди, сингилжон, қани энди 10—15 йилга ёш эмасман-да. Сиз билан биз катта дав-

ралар, катта одамларга урганганмиз. Шуларни қумсаймиз, дилкаш сўхбатларни қумсаймиз-а. Биз тенги авлларнинг уйда ўтириши оилага ҳаловат бағишлашни тушуниб етдим. Рўзгор режали, уйлар ораста, энг муҳими болаларнинг бағри бутун бўлиб қолади. Чанқаган неварангизга бир пивла чой ичириб қуйсангиз ҳам ҳарна-да. Абдулим акангиз кўп вақт стационарда ёт-

боришим билан бошимга румол ураб олардим. Чунки болаликдан шунга одатланганим. Ўзбек хонадонини учун бу ажабланиш ҳол эмас. Эслайсизми, болагимизда румол танғиб олмас, ё сочимизни битта урсак, «Сочни битта урма, ёмон бўлади», дейишарди. Демак, румол урагининг ҳам қонун-қоидалари бор эди. Эрли аёл бошқа, кексалар узига хос, келинчақ бошқача,

рингиз.

— Худога шукр. Бола-чақадан тиндик. Абдулим акангиз билан қўша қариб меҳнатнинг роҳатини қуриб юрибмиз. Болаликда кексалар ҳассаси билан тошини, қўву пучогини ми туртиб четга чиқариб қўйишса ҳайрон бўлардик. Ҳозир энди узим шундай қиламан. Кексалар болаларни асраш учун, тойиб ё қоқилиб йиқилмасин, деб шундай қилишаркан. Эс-хушлари ёшларда бўларкан. Уларнинг қамоллини, бахтини, иқболини қуриб суюнишаркан. Ёшлар ҳам кексаларни шундай ардоқлаши керак. Нафақачилар катта денгизда сузиб юрган балиқ бирдан турга кириб қолгандек, уйга кириб қоладилар. Шунда у ишлаб юрган ишхона, жамоа байрамларда, улуг айём афарафларида ҳол сураб кириб келса ё йўқлаб турса, қандай бахт. Чунки кексайганда киши кунгли нозик бўлиб қолади. Инсон улайганида, нафақага чиққанда, бола-чақасидан тинчиганда уйдигиларга, одамларга керак эканини ҳис қилса, анатрофдигилар эътибори сезилиб турса, кунгли тоғдек қутқариларкан. «Гунча» журнали жамоасига минг раҳмат. Йўқлагани йўқлан. Вақт бемаҳал мен ҳам телефонда уларни йўқлаб тураман.

Ёшларни шўқораликка, сабр-қаноатга ургатиш керак. Буни ота-она, маҳалла-қўй, қариндош-уруғ, иш жойида ёши улуглар ургатиши керак. Эслайсизми, биз ишлаган йилларни шўхбагига зор бўлган энг улуг одамларимиздан қанчаси ўтиб кетди. Уларнинг кўп гапи ичиде қолди ахир. Ҳозир ёшларимиз кексалардан, зивили оқсоқоллардан кўп нарса: Сўз бойлиги — тил бойлигини олиб қолиши керак. Ёшлар ёши улугларни бориб қуриши, доно сўхба-тидан баҳраманд бўлиб қолмоғи лозим. Эътиқод мана шу меҳор, илос, оқибатдан бошланади.

Қутби НОСИР қизи сўхбатлашди

Э Ў Т И К О Д

Болаларнинг сеvimли ёзувчиси

Яйра САЪДУЛЛАЕВА билан сўхбат

дилар. Худого шукр, у кийин кўнлар утиб кетди. Кексайганда эр-хотин бир-бирига жуда сўниб қоларкан. Акангизни ниҳоятда авайлаб юрсам, бир кун менга билдирмай, секин кучага чиқиб кетибдилар. Хавотирда турсам, бир пайт қўллариде нон, хурсанд кириб келтиларкан. «Вой... уйда нон бор эди-ку», дедим. «Э, шу нон кутариб келганим, менинг бахтим бўлса-чи», дедилар. Шу тобда у кишининг кузларини курсангиз, бу кузлардаги бахт мен учун ҳар қандай бойликдан юксак эди.

— Яйра опа, мустақиллик ҳар бир инсонга эрк беради. Лекин бу эрк, озошлик замирида бурч ва масъулият ҳам ётади. Базми аёлларимиз гоҳ бошларига румол солиб, ҳижобга ўралиб, баъзилар европа-ча тиззадан кийиниб... ҳар хил кўйга тушдилар. Зияли аёлларимиз орасида ҳам бу ҳолат учради. Сиз эса сира ўзгармадингиз.

— Румолни ким ўради, қачон ўради? Азал ёшлигимдан мен ишдан уйга

бева аёл бошқача ўранган, қизлар дўпи кийган. Румол урагининг бу миллий рамзлари шуро даврида бошланг юр-вериб, йиллар давомида эсдан чиқиб кетган.

Ҳозир менинг ёшимдаги аёллар табиятан сипо, узунроқ кийиниши керак. Ярашадиган бу. Энди ҳар оқ румол ўраган кишига «Вой, Исломга кирдингизми», деб сураш, бунини мен тушунолмадим. Хафа бўлиб кетаман, Исломини фақат румол ураш билан белгилаш бу ақли ноқисликдир. Нақшбанднинг «Дил ба ёру даст ба кор», — деган гаплари менинг яшаш тарзини, ҳаётим мазмунини. Дилинг Оллоҳда, қулинг ишда бўлсин. Дилинг Оллоҳда бўлса, ҳалоллик, рўстгўйлик, турлилик ҳамроҳинг бўлади.

— Яйра опа, сиз ёшлар билан кўп ишлагансиз. Ҳамон ёшлар билан мулоқотдасиз. Қизларингиз Яшнароҳон, Юлдузхон уйли-жойли, бир хонадоннинг бекаси. Ҳамзаҳон ва сеvimли келинингиз сиз билан бирга. Тўрт набиранинг бувиҳонисиз. Хонадонингиздан ёшлар эримайди. Ёшлар ҳақида мулоҳазала-

узбек санъати шўхратини оламга ёймоқдалар. Улар мазкур анжуманда ҳам уз санъатларини намойиш этадилар.

Ўзбек миллий симфоник мусиқа-си халқимиз маданиятининг аҳр-мас қисми эканини ҳаҳон жамоат-чилиги аллақачон тан олган. Республика миллий симфоник оркестри Туркияда бўлиб ўтган нуфузли халқаро фестивалда қатнашганлиги ва анжуманининг энг олий соврини-га сазовор бўлганлиги ҳам фикримизнинг аққол далилидир.

Ҳорижий санъаткорларни юртимизга тақлиф этишдан мақсад нима? Ўзбек миллий симфоник мактаби ютқларини халқаро миқёсда тарғиб этиш, ҳаҳон миқёсидеги янги-дан-янги симфоник мусиқа намуналарини она-юртимизда янгра-тиш, диеримиз ва миллатимиз шўхрат-шаънини улуглаш эз-гу мақсади-миздир.

Кеча фестивал қатнашчилари анжуманинг очилиши олдидан ҳазрат Алишер Навоий ҳайкали пойига гуллар қўйишди.

Анжуманда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Нарзулла Жураев иштирок этди.

Мухтор БЕК

БИЗ «ДОДА» ДЕЙМИЗ, СИЗ-ЧИ?

Қўхна Хоразм ҳаҳонга таниқли алло-маларини воёга етказган. Мен жона-ҳон воҳоимизни қўйидаги мисраларим билан таърифламоқчиман.

«Бу воҳа — Хизрининг ёркин гулша-ни.

Минг йиллар қаърида қўрган-кеча-ни.

Аму сувларидан пок эрур тани,

Халол меҳнатидан еган-ичгани.

Она-тилим деган туркий мевани.

Воҳаимизда ўз ақинларимизни биз шундай атаймиз:

Ота — Ака

Она — Опа

Отамизнинг отаси — Ота

Онамизнинг онаси — Ана

Онамизнинг отаси — Ота

АКС САДО

Отамизнинг онаси — Ана
Отамизнинг ака-укалари — Оға
Отамизнинг опа-сингиллари — Амма
Онамизнинг ака-укалари — Дойи
Онамизнинг опа-сингиллари — Хола
Онамизнинг буvisи — Момо
Онамизнинг буvasи — Бобо
Акамиз — Оға
Опамиз — Алпа
Укамизнинг рафиқаси — Галинбийи
Акамизнинг рафиқаси — Бийи
Отамизнинг укаси — Кичик ота
Отамизнинг акаси — Улли ота
Опа, хола, аммаамларнинг умр йўл-дошлари — Оға, Кўёв

Бизнинг шеваимиз адабий тилдан жуда узоқда бўлса ҳам, жуда бой ше-вадир.

Назокат ЖУМАМУРАТОВА,
Хоразм вилояти, Қўшқўпри тумани

ОШКОРАЛИК РУҲИДА

Ахборот

Ўтган ҳафтада Ўзбекистон Миллий Матбуот Марказида очиқ мулоқот бўлиб ўтди. Бу сафар чет эл ва Республикаимиз журналистлари Ўзбекистон ижтимоий таъминот вазири Б. Умўрзоқов билан учрашдилар.

Матбуот конференцияси аввалида мазкур соҳадаги ўзгариш ва янгила-

нишлар ҳақида батафсил маълумот берилди. Сўнгра савол-жавоблар бошланди. Шуни алоҳида таъкид-лаш жоизки, ижтимоий таъминот вазири журналистлар томонидан берилган саволларга аниқ ва очиқ-ойдин жавоб қайтарди.

Ўз мухбиримиз

ҚАРМОҚҚА ИЛИНИШДИ

● Тошкент вилояти. 7-сонли «Ўзбекистон» божхона ходимлари томонидан Камаз К-5320 русумли, давлат белгиси К 06-16 ТШ автоулови тўхта-тилиб текширилганда Ўзбекистон фўкароси Ботир Маманов нархи 1000000 сумлик 15 тонна шакарни ноқонуний равишда Ўзбекистон худудидан олиб чиқиб кетмоқчи бўлганлиги аниқланди. Ушбу ҳолат бўйича маъмурий суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

● Андижон вилояти. «Дўстлик» божхонаси ва нақлиёт ички ишлар ходимлари ҳамкорлигида Қирғизистон республикасида Ўзбекистонга кириб келаватган «ТИКО» русумли, давлат белгиси 15 С 21-65 энгил автоулово тўхталиб, «Кери» лақабли хизмат ити ёрдамида қуриқдан ўтказилди.

БОЖХОНА ХАБАРЛАРИ

Маълум бўлдики, узини йўловчи қилиб қурсатган. Марҳумат туманилик Абдулатиф Холдаров бир килограмм «Қора дори» гивҳванд моддасини Тошкентда пуллаш учун олиб кетаватган экан.

УШЎРЛИК

● Шу йил, 6 сентябрь куни 14-сонли «Болдир» нақлиёт божхонаси маскани ходимлари томонидан Термиз темир йўл бекатида «Қонибодом — Душанбе» ва «Тошкент — Термиз» поездлари қуриқдан ўтказилганда катта тижоратчиларнинг сирини фовш бўлди. Туркманистон фўкарolari Гулшан Шамаева, Моҳира Норова, Гулшода ва Аширгул Эшмуродовлар жами 155550 сумлик сигарета ва 55 сумлик спирт маҳсулотларини Термиз шаҳрига олиб

ўтишга уринишган. Бироқ ҳеч қандай ҳўжжат ва акциз марказиз бу маҳсулотларни манзилга етказишнинг иложи бўлмади. Сергак божхоначилар бунга йўл қўйишмади.

Хўсан Ҳабибов «Нива» русумли давлат белгиси М 99-87 ФЕ автомашинада 239400 сумлик 532 литр спиртни эртиб оғзи қўлоғида бўлиб келаватган эди. Қутилмаганда божхона турига илинди.

МУКОФОТ МУБОРАК

Ўзбекистон Республикаси Давлат Божхона қўмитаси Фарғона ва Сўрхондарё вилояти божхона ходимларидан бир гуруҳини республикаимиз худудига спиртли ичимлик ва турли хил тамаки маҳсулотларни акциз марказиз олиб қи-

риш ҳолатларини аниқлаш борасида алоҳида намуна қўрсатганлиги учун уч ойлик лавозим маоши миқдориде тақдирлади.

Мукофотланганлар қўйидагилар:
Сайдали Ризаев — Фарғона вилояти Божхона бошқармасининг контрабандга қарши кураш бўлими бошлиғи, Толибхон Асрақулов — шу вилоятдаги 8-сонли «Роҳат» божхона пости катта назоратчиси, Абдурашул Саломов ва Тўра Ражабов — Сўрхондарё вилояти божхона бошқармасининг 14-сонли «Болдир» пости кичик назоратчилари. Зиедулло Қорақулов ва Тоҳир Даминовлар мазкур вилоятдаги 4-сонли «Термиз» пости назоратчилари.

Мукофот муборак!

К. ТОШ, М. БЕК




Марҳум милиция генерал-майори Гуломжон Зокиров хотирасига
Бир умр элу юрт
тинчлиги учун
Фидойи бўлдингиз,
мураббий, посбон.
Мангули уйкуда
ётибсиз бу кун,
Дўстлар унутмагил
ҳеч вақт, ҳеч замон
А. Орипов

ички ишлар соҳасида генерал даражасига кутарилиш, бундай юксак маъкега эришиш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Бунинг учун энг аввало фидойилик, касбга садоқат, сунмас меҳр, билим ва иқтидор керак. Ҳарбийларда шундай гап бор: «Генерал бўлишни орзу қилмаган аскар, аскар эмас». Бироқ қузнанган мақсадга эришиш учун биргина орзу-ҳавас камлик қилади. Бундан ташқари яна қанчадан-қанча меҳнату машаққатларни енгиб утишга тўғри келади. Гуломжон ака ҳам генерал бўлгунча озмунча кургиликларни боши-

қарши боролмади. Баъзан турмуш уртоғи Кундузхон ая нолиб ҳам турарди. Минг қилсада, аёл кишида. Қурган-борган жойларига ўхшаб осмонупар иморатлар қурган ҳайхотдек ҳовли-жойларга эга бўлишни орзу қиларди. Шундай кезларда худди хизматдагидек генералнинг қаттиқ куллиги қузиб кетиб: «Менинг бўлганим шу! Ҳар қалай оқмаса ҳам томиб турибди-ку!» — дерди кескин тарзда. Аммо рўзгорда етишмовчиликка йўл қўймас, ҳар яқшанба кунлари бозор-учарга тушиб кам-кустини тўлдириб турарди.

Тўғри, генералнинг оиласи бўлгани билан шохона яшашмади, ошиб-тошиб кетгани ҳам йўқ. Эл қатори эскини ямаб, янгини яб ҳаёт кечирди. Оила меваси — 4 фарзанддан биттасининг умри қисқа экан. Қолган учтаси ҳозир ҳаёт, ҳам-

ЯХШИЛАРДАН СУЗ ОЧДИК



бу зарбаси уни эсанкиратиб қўйди. Жудодик оғир дард экан. Ўтиб кетса ҳам, унутилиб кетмаскан. Онаси вафотидан кейин ижод овуноқ бўлди ун-

меҳнатга, касб-ҳунар эгаллашга ва ўқиб билим олишга ургатди. Энг муҳими, уларни ота боласи қилиб эмас, балки одам боласи қилиб тарбиялади. Шу билан бир қаторда ўзига муносиб шоғирд тайёрлади. Ёзғиз ўғли Бахтиёржон ҳам ота, ҳам устоз бўлиб бошини силади. Бахтиёржон Зокиров ота изидан бориб ҳуқуқшунослик бўйича олий маълумотга эга бўлди. Кейин Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани ИИБ вояга етмаганлар билан ишлаш хизматига ишга кирди. Маана ун олти йилдирки унинг урни ички ишлардадир. Айни пайтда эса ИИБ Академиясига тингловчиларга дарс беради. Оилали, 2 та фарзанди бор. Бахтиёржон бугун қирчиллама қирқ ёшда. Шу ёшгача елкасига икита катта юлдуз тақди, яъни милиция подполковниги бўлди. Албатта бу чегара эмас, юксалиш йиллари ҳали олдинда. Вақти-соати келиб ўғил ота даражасига кутарилса, ҳатто ундан ўтиб кетса ҳам ажаб эмас. Тўғри инсон мансабу унвонларга қараб баҳоланмайди, лекин бугун узининг қирқ баҳорини қаршилаётган милиция подполковниги Бахтиёржон Зокировга «Отангиздек одам бўлинг, генерал бўлинг», дея тилак билдиргимиз келади. Ота уғитини олган, унинг изидан борган ушғилга эса ҳамisha омад ер бўлаверади. Отангизнинг арвоҳи ҳамisha сизни қўллаб-қувватлайверсин, Бахтиёржон!

Комилжон Тошмирзаев

ЭЛ НАЗАРИГА ТУШГАН ИНСОН

Баъзан дунёдан ўтганлар ҳақида гап кетганида «Қорнимга эмас, кадригма йиғлайман», «Олдиндиган оққан сувнинг қадри йўқ», — деган ибораларни ишлатамиз. Лекин, бу иборани Тошкент вилояти ички ишлар бошқармаси собиқ бошлиғи, милиция генерал-майори Ғ.Зокировга нисбатан қўллаш уринсиздир. Бунга асло ҳожат ҳам йўқ. Сабабики, у киши тириклик чоғидаёқ ҳаётда ўз урни ва қадр-қимматини топган эди. Ундан фақат яхши ном ва сунмас меҳр қолди. Бир сўз билан айтганда эл назарига тушган аjoyиб инсон эди. Агар билсангиз, инсон учун бундан-да ортиқ бахт, олий мукофот йўқ дунёда. Ахир бу вруғ оламда ўздан из қолдирмасдан яшаб ўтганлар қанча. Шуларни назарда тутган ҳолда Гуломжон акани тириклик пайтида ўзига хайкал ўрнатиб кетган ёки иккинчи умрини яратган инсон дейиш мумкин. Муболага эмас, балки тарихга айланган ҳақиқат ҳам шу аслида. Урни келганда яна бир гапни айтмай. Ҳарбий хизмат ёки

дан кечирмади. Гапни чузмасдан биргина мисол айтилайлик. У умри давомида ўн саккиз жойга қўчиб юрди. Хизмат тақозосига қўра шундай яшашга мажбур бўлди. Ўзига қолганда иссиқ урнини совутарди дейсизми. Фаргона, Наманган, Қашқадарё вилоятларининг барча шаҳар ва туман ички ишлари соҳасида масъул лавозимларда ишлади. Қаерда ва қандай лавозимда фаолият курсатмасин, поклик ва халоллик йўлини тутди. Бир умр талланган касбига, эгалланган лавозимига доғ туширмади, хиёнат қилмади, рўзгорига ҳаром-хариш араштирамай яшоди. Фақат ойллик маош хисобига оила бокди. Томоқдан ортанларини йиғиб-тўплаб шаҳардан муъжазгина ҳовли жой сотиб олди. Бир қараганда буни генералнинг уйи дейишга ҳам тил бормайди. Ахир дачиллама иморатлар қуриб, қўша-қўша машиналар олган генералларни ҳам биламиз. Бунақа ишларни Гуломжон ака оғзининг ховури билан битирса бўларди. Аммо бунга виждонини йўл қўймади, эътиқодига

маси уйли-жойли бўлиб, тиниб-тиниб кетишган. Кўпчиликни Гуломжон акага ўхшаган инсонларнинг оилада узини қандай тутганлиги кизиктириши табиий. Қаҳрамонимизнинг бу жиҳати ҳам ибратмуз, урناк олса арзигулик. Биласиз, милиция хизматида ҳаловат бўлмайди. Турли хил асаббузарлик ва кўнгилсизликлар тез-тез учраб туради. Шуларнинг ҳаммасини вақтинча бўлса-да, унутган ҳолда юзида табассум ила уйга кириб боради у киши. Ишонадиган гап-сузларни ичида сакларди, сиртига чиқармасди. Азбаройи оиласининг тинчини уйлагани, уни асраб-авайлагани учун шундай қиларди. Ўзи туфайли хонадондагиларнинг изтироб тортиши ва азият чекишини сира-сира хохламасди. Генерал бутун умри давомида ана шу эътиқодига содиқ қолди. Ҳаётнинг шодлиғу қувончларини оиласи билан баҳам қўриду, аммо барча ситамларини ёлғиз ўзи торти. У турмушининг муштларига чидай олди, синовларидан ута олди. Бироқ онасининг ўлимини кутара олмади. Тақдирнинг кутилмаган

га. Умрида қўлига қалам олмаган инсон шу мусибат туфайли тўппа-тузук шеърлар ёзди. Албатта улар бадий жиҳатдан етук бўлмаса ҳам, аммо дардчил, изтироб ва меҳр балқиб турган сатрлар эди.

**Уйкудан уйғонаман,
Йўларда йўқсиз, найлайин.
Сўроқ олиб қақирсам,
Эларда йўқсиз, найлайин.
Ойнак солиб қарасам,
Жаҳонда йўқсиз, найлайин.**

Ҳеч ким Гуломжон ака каби онасини яхши қўрмаган, суймаган десак муболага бўлмас. Ҳаммамизнинг ҳам онамиз бор. Бироқ у кишидаги онага бўлган меҳр узгача, бутунлай бошқача эди. Шу боисми ёки бошқа сабабми ўзи ҳам онасининг ўлимидан кейин узоқ яшолмади. Икки йилдан сал ошиқ умр курди холос.

Гуломжон ака оилани пок сақлайдиган, унинг шаъни ва обрўини ҳамма нарсадан устун қўядиган, ор-номуси қучли, имон-эътиқоди бут инсон эди. Фарзандларини қанчалик суймасин, барибир эркатой ёки тайёрига айёр қилиб қўймади. Аксинча ёшлигидан

ҲАММА ОЗОР ЧЕКИШИ ШАРТМИ?

**Ўзбекистон Коммунал хўжалиги вазири
В. К. Михайловга**

Муҳтарам Виктор Константинович! Мен яшайдиган Самарқанд туманида утган йил октябр ойида газ жўмрақлари юқоридан даъфатан беркинтий куйилди. Ҳокимиятдагилар ёки сизнинг туман, вилоятдаги ходимларингиз андак оғохлантиришганда ҳам, утин, кумир харид қилган булардик, албатта.

Одамларнинг арз-додларига бўлган дудмал жавобларда газ ҳақи туланмаганлиги вақ қилиб курсатилганда ушанда.

Очили, мен ёки мен билган талай кишилар газ ҳақини ўз вақтида тулаганмиз. Лекин шуни ачинарлики, мактаблар, болалар богчалари, шифохоналарда ҳам газ бўлмади.

Қишда қушни Ургут райониға борсам, у ерда ҳам шу аҳвол экан. Ҳар иккала туман ҳокими ҳам Олий Кенгаш депутаты. Модомики, шундай нуфузли кишилар муаммони ҳал этишолмаган экан, демек, масала жиддий. Ва каминага охир-оқибатда шу нарса аён бўлдики, калит сизнинг ва фақат сизнинг қўлингизда экан.

Шу йил феврал ойида Панжакентга туйга бордим. У ерда газ ловуллаб ёниб ётган экан. Бу ёқилги айнан бизнинг Самарқанддан ўтиб борганлигини билганлигим учун ҳам менга алам қилди.

Айтинг, нега бундай хунук ҳол руй берди. Нахотки бу йил тагин такорланса у?

Худо ҳақи, панжакентликлар ҳам пулини беришмаган экан. Модомики, бизда ҳақини туламаган кишилар бўлса, ушларни жазолаш керак эмасми? Неҳун ҳамма озор тортиши шарт?!

Виктор Константинович! Тахририятга ва менга очикчасига жавоб ёзиб юборишингизни талаб қиламан! То тубига етмагунимча бу хусусда қайта-қайта чиқиш қилавераман!

Нусрат РАҲМАТ, Самарқанд

Сафархон ая ва Туракул ота қирқ йилдирки, турмушнинг аччиқ-чучугини бирга татиб келишмоқда. Шу пайтгача «сиз» оғизлари «сен» га тушмаган. Бири ота, бири она бўлиб ўн бир нафар фарзандни улғайтиришди. Эндиликда уларнинг ҳаммаси ҳаётда ўз урнини топиб уйли-жойли бўлиб кетишган. Оиланинг кенжа фарзанди Бах-

ИСТИҚЛОЛ НАШИДАСИ

ланинг бошлиғи Туракул ота эса нафақада. Лекин бекор утирмайди. То-морка ишлари билан узини овуатади. Минг қилсада деҳқон одам эмасми, ердан кўнглини узолмайди.

Истиқлолга шукрона айтиб яшайган бу ойдада ҳамма бир-бирига

ЯНГИ ТАҚДИРЛАР

тиёржон Олий ҳарбий билим юрти битириб Ватанимиз осойишталигини ҳимоя қилаяпти.

Оиланинг тўнғич фарзанди Абдунаби жамоа хўжалигида механик-ҳайдовчи, Маҳмуд эса хусусий ферма мудири, Матлуба тикувчи, Максуд — қўли гул пазанда, хусусий ошхонада ишлайди. Ҳужамкул — дуррадор уста. Тулқин — фермер пудратчи, Икром тадбиркор-боғбон, Манзура богчада тарбиячи, Махбуба — жамоа хўжалиғи ишчиси, Музаффар — Абдухамид Маҳмудов номи 9-урта мактабда аъло баҳоларга ўқимокда. Орзуси келажақда акасидек ҳарбий хизматчи бўлиш. Катта ои-

меҳрибон, келинлар, фарзандлар, қувлар, неваралар уртасидаги ахил-иноқликни қуриб, беихтиёр қалбингиз фахр ва ифтихор туйғусига тўлади.

— Мен жуда бахтиёр аёлман, — дейди Жиззах вилояти, Зомин туманидаги «Қарналчи» кишлоғида яшовчи «Қаҳрамон она» Сафархон ая Уринбоева. — Негаки, фарзандларим олдимда. Улар менинг бахтим! Биз сингари куп болалар оилаларга жуда кўп имтиёзлар яратилмоқда. Бундан беҳад мамнунмиз.

К. СОАТОВ

БИЛМАЙИН БОСДИ ТИКАННИ...

«Икки йўл орасида қолдим»
(«Оила ва жамият» 34-сон)

Инсон хотираси гаройиб. Ярим аср илгари айтилган сўз, ҳеч қутилмаганда, қўқисдан эсимга тушди. Ҳали бола эдик. Дугонам Ибодатхон билан ҳовлида данак ўйнаб нималарнидир гаплашиб утирардик. Шу чоқ ўн олти ёшлардаги акам Аҳмадхон тепамизга келдиларда: «Нима деб жовуллаяписизлар боянд бери?» — дедилар ва: «Қиз болалар нимадан гапирарди, тилла зирагу олтин узукдан гапирасизлар-да. Қулогингга қўйиб ол, сингилжоним. Тилла безакка қизикма, — «арпа-бугдой ош бўлур, олтин-кумуш тош бўлур»... Акам шу сўзларни айтдилару чиқиб кетдилар. Негалигини билмайману, акамнинг шу сўзлари умрим бўйи бот-бот ёдимга тушади. Шу-шу булдию, марварид-маржонлару олтин сирга ва узукларга қизикмай ўтдим... Аввалига узукдан узок уруш йилларию бир бурда нонга зор бўлган чоғлар...

«Икки йўл орасида» сарлавҳали дил изҳори минг таассуф билан ўқидим. Айни шу аснода акамнинг уша сўзлари хотирамда яраклаб кетди. Акам раҳматли (йигирма бир ёшида — Ленинград учун бўлган жангларда ҳалок бўлганлар) уша успириш ёшида умрбод хотирада қоладиган ўғитлари билан мени тўғри йўлга солиб кетган эканлар. Ула-ўлгунимча мийнатдорман акамлардан...

М. Х. — дея имзо чеккан адашган банданинг изҳори дилига келсак... Мен уни бошқача атай олмайман. Агарда у тўғри йўлдан адашмаса, узи мактубида айтганидай, ҳиёнат йўлига қирмиди... Бу ҳиёнат фақат жуфти ҳалоллигига эмас, жондан азиз қурган фарзандларига ва яна барча ақилларига ҳиёнат. Бу ниҳоятда оғир гуноҳ. Унинг юкини кутармоқ осонмас.

Бундай уйлаб қўрилса, бу аёлга етар бахти бекам топилмас. Бошида иззат-ҳурматдаги, топарман-тутарман, аёлининг ёзишча, «у киши»-данда қўлиқ эри, бир эмас турт фарзанди, суйган касби бўлса...

Йўлдан адашгани шундаки, у зеб-зийнатга, кийим-кечакка — утар дунё молига хирс қўйган, ҳаромдан ҳазар қилмаган. Гап шундаки, иккинчи бир эркакнинг (оилали, бир эмас беш фарзандли одамнинг), ҳаром-хариш топган жамғармаларидан еб-ичиб, безаниб юришни-зинини узига муносиб қурган. Узи мактубида икорор бўлишча, аёлининг «у киши» билан муносабати «чуқур илдиз отган: уртада ундан ўғли ҳам бор, шаҳар марказидан «у киши»

олиб, беками қўст бежаб қўйган турт хонали уйи тахт-тайёр... Ва ҳоказо, ва ҳоказо... Бу аёлини тўғри йўлдан қалтитган нима экан? Балки у ўзининг Шарқ аёли-узбек аёли эканини унутдимикин? Аёлга берилган эркинликнинг туб моҳиятини нотўғри англадимикин? Эшитганим бор: аёллар бошидан паранжи-чачвон олинган чоғларда шоир қўйлаган экан: «Юзингни пардасини олдинг, лекин пардангни йўқотма» (Мен ёдимда қолган сатрларни нашрга қўчирдим). Юзидаги пардани йўқотган бу аёл...

Уз-ўзимга савол бераман: «Бу аёлининг онаси бормикан? Ахир аёл Ўлғиз ўзининггина эмас, онасини ва яна қандай қон-қариндоши бўлса барчасининг бошини ҳам қилиб қўйган. Унинг «хатоси» туфайли, агар ундан хабар топса, бу дарди туфайли яна неча-неча одамнинг қўзига дунё қоронғу бўлиб кетаркин, ёки кетган экан... «Билмайин босдим тиканни...» дегани шу эмасмикан?... Уйлайманки, бу машмашаларнинг бари маънавий қашшоқлик натижаси...

Шунча зеб-зийнат, либослар, уй анжомлари билан лиммо-лим хонадонда китоблар бормикан? Ёки, бўлса ҳам жавонларни безатиш учун ҳужа курсинга терилганмикан?...

Яна фикр юритаман: зеб-зийнатга берилиш наҳотки шу даражага етса... Бир эмас, икки эмас, яна бори-е, уч ҳам эмас ўттиз олти тилло узук, ўн бир донга тилло сирга, қалин тросдан еттига бўлса-я, ва ҳоказо. Дахшат! Наҳотки, булар унга бахт келтирмаслигига тушунмаган бўлса... Наҳотки, одам деган мавжудот шу даражада ақли қосир бўлса...

Мактубдан маълум бўлаптики, буни эндиликда аёлининг ўзи тан олапти, демак, бахт молмулкда, зеб-зийнатнинг қўлигида эмас экан. Маънавиятда экан... Бу аёлининг хатоси анча аввал бошланган бўлиши керак. Эр топганини уйига ташмалаб жуфти ҳалоллининг маънавий қиёфаси ҳақида уйламган-да. Биргина жуфти ҳалол — фарзандларининг онасиникини тарбиялай олмаган «раҳбар ҳодим»га суф-е, деб юборгинг келади. Қолаверса, у шунча тилло буюмга маблағни қаердан олган, деган савол туғилади. У одам ҳам ҳалол топмаган қўринади, деган фикр келади.

Ёинки, бу бари машмашалар «уша эрининг» ноҳўя ишлари учун Аллоҳ берган ҳазо эмасмикан?

Нима бўлганда ҳам кўнгил қўчасида зеб-зийнатларга беланиб, ёгани олди-

да, емагани кетида, «мазахуракка» ўрганган бу аёлининг ёши қирққа етибди. Менга қолса, энди у ўзини эмас, фарзандларини, уларнинг тарбиясини уйласса... Акс ҳолда... Болалари йўлдан озса-чи?! Адашиб-улоқиб кетишса-чи?! Бу аввалгиданда катта гуноҳ бўлади. Тўққиз ой давомида юраги тағида қутариб, ёруғ оламга келтирган, не-не умидларини улар келажиги билан боғлаган фарзандлари олдидаги аввалгиданда ортиқ гуноҳи азим бўлади... Мабодо болалари унинг суюқ оёқлигидан хабар топгудай бўлса, бутун умрга фарзандлар меҳридан мосуво бўлади — зеро болалари бу шармандаи-шармисорликни асло кечирিশмайди. Мен шундай фахлмайман...

Халқимизда: «Эсинг борида этагингни ёп!» деган нақл бор. Ҳалиям бўлса оилани асраб қолиш керак — тиклаш, мустаҳкамлаш керак. Эртасан-индин ўғил уйлантириш, қиз узатиш каби вазифаларни уташ керак. Яна тақдор айтман, ўзини эмас, фарзандлар тақдирини уйлаши лозим энди бу аёл. Болалари келажакда бахтли бўладими ёки бахтсиз — ҳаммаси ўзининг қўлида.

Аёлининг: «Мен ўзини бир нима қилиб қўйишим мумкин...» — деган сатрларига келсак, бу ақли одамнинг гапи эмас. Шунча йиллар бадалида зино қилиб, бу дунёда Аллоҳнинг ғазабига йўлиқиб кетгани етмай, эндиликда гуноҳи азимга қўл уриб, у дунёсини ҳам қўйдирадими?! Уйласин... Ахир ақл, мушоҳада инсонга нима учун берилган?! Ахир ҳамма вақт ҳам бандасининг муроди ҳосил бўлавермайди-ку! Яна фарзандлар меҳридан мосуво бўлиб қолмасинлар у адашган банда...

Уйлаб қўриб, шундай фикрга келдим: бу аёл аввало қалбини ювмоғи, покизаламоғи жоиз. Бунга Қуръони Каримни тиловат қилиш, Пайғамбаримиз Мухаммад (с.а.в.нинг) ҳадисларини урганиш билан эришиш мумкин. Шунчаки ўқиб чиқиб эмас, ўқиб, ўқиб мағзини чақиш керак. Қалбини, жисмини покиза тутмоғи лозим. Бу дардида Аллоҳнинг қаломини дилига жо этиб, унга амал қилиш йўли билангина шифо топпоққа урғиб қурмоқ керак.

Холида АХРОРОВА,
Ўзбекистонда хизмат қўрсатган
маданият ходими

«Бу эркакка шундай бир сўз айтсак...»

(«Оила ва жамият» 31-сон)

«АҲЛУ АЁЛИНГНИ ЭТМА ДАРБАДАР»...

Ушбу мақолада қутарилган мавзу (худо ас-расину) мана шу давримизда «мода»га айланмоқда. Беихтиёр Пахлавон Маҳмуднинг қуйидаги рубойиси ҳаёлимга келади.

**Токи бор ғайрату мардикдан асар,
Ахлу аёлининг этма дарбадар.
Мева шоҳи агар девордан ошса,
Йуловчилар унга бешак қўл қўзар.**

Уша уйда «уй бека»...асига айланган, хотини таъбири билан айтганда «қоматдор, «қўркам» эркакка айтгим келади, сенда ғайрату мардик асорати ҳам қолмайдими? Сенинг «бек»лигинг бекага айланганига учта нукта қолибди-ку, ахир. Қайси отани фарзандлари, «Ая, дадамдан ажралинг», — деб ялинишадими. Нега? Бунга уйда ота ўзининг эркак сифатида муноносиби тутгани, фарзандлари олдида, оила олдида оталик муқаддас бурчини адо этмагани сабабдир.

Эркак ва аёл учун зарур ҳислат ифбат ҳақида Афлотун ҳаким айтган: «Ифбат хотундан кўпроқ эрларга ярашадургон бир сифатдир. Хотун ифбатга адаб ва нуомусини сақловдур. Эрларнинг ифбатга бутун инсоният адабларига шомилдур. Ифбатсиз инсон яланғоч жасад кабудур».

Уйда «ўтириб қолган», ишламайдиган, ўзим «бек» деб, соғ бўлса-да хотинини сарсон қилган, устига устак аёл бечора ҳориб келганда «чимчи» оладиган гапни қиладиган эркакни, кези келганда одам деб аташга тилинган ҳам бормайди. Эрининг бу аҳволга тушишини, уша эркакнинг ўзидан эмас, балки у тарбия топган оиладан қиди-

риш

керакми?

Керак дейсан-

у, энди унинг та-

рихини қайта яратиш

кимга зарурлигини уйлай-

сан. Аммо инсон келажак ор-

зу-умиди билан яшайди. Болалар тақ-

дирчи-чи? Улар қайси муҳитда вояга етаётгани

ойнадай равшан. Эр-хотин гапи бир-бирига қар-

ши. У гудаклардан, келажакда қандай ота ва қан-

дай оналар қуттиш мумкин? Албатта бахт тила-

йлаймиз, бироқ улар бахтли бўлса, бу ҳам бир

таассуф.

Умидсиз яшаш бу келажакка ишончсизлик-

дир. Балки уша мақолани ва бу акс-садони уша

тоифдаги эркаклар ўқиб, ўтган умрига тавба қи-

либ, шояд аёлларини ҳурмат қилса дейман.

Аёлларнинг ўзига қарашли эса оила саломат-

лиги учун зарур. Аксарият ҳолда ўзбек оилалар-

римизда аёллар уйда ораста кийимлар киймайдилар, яхши кийимларни туяларга, куча-

қуйларга асрайдилар. Эр қучадан келиб, қунду-

зи қузи тушган аёллар билан ўз жуфти ҳалолни

бир дақиқа солиштирадими. Шунда юраги «муз-

лаб» бермаслиги учун аёллар уни пардоз андоз

ва ораста кийимларда жозибадор қутиб олгани

якши. Бу фикрларни ёзишимдан мақсадим, шу

келин эри яхши ишларда ишлаганда, уни ши-

ринсуханлик, лафотат ва назокат билан қутиб

олиб, баъзан эри «чимчи» оладиган гап қилган-

нида қошу қузини чимириб, ёки унга яраша «жа-

воб» бермаганда, эҳтимол ҳозир икки сумкани

қутариб сарсон бўлиб қолмасмиди...

Ахир халқимиз «эрни эр қиладиган ҳам,

қора ер қиладиган ҳам хотин», деб беҳиз

айтмаган. Аммо шундай оғир меҳнатни ўз

зиммасига олиб, болаларим, рузгорим деб,

қўйиб-пишиб юрган, уйдаги сирни ҳали ма-

ҳаллага, қариндошларига билдирмаган аёлини

қадрига етмаган эркак эркак-ми?

Абдувоҳоб ИКРОМОВ

«Икки йўл орасида қолдим»

(«Оила ва жамият» 34-сон)

ТУҶЛИККА

ШҶҲЛИК ҚИЛИБСИЗ

Ҳурматли М. Х.

Менинг ёшим 23 да. Эрим билан майда-чуйда жанжал ўтганда онаси зўрлаб ўғлини менга «Талоқ» қилдирди. Мен бўйимда 1,5 ойлик ҳомила билан онамникига келдим. Вақт-соати етиб, бугирсоқдай қизчаллик бўлдим. Лекин, мени хурсандлигим узоққа чўзилмади. Қизим камчилик билан туғилди, яъни танглайи йўқ эди. Дадаси менга ногирон бола керак эмас, деб юз утирди. Не азобда катта қилдим қизимни. Ҳозир 1,5 яшар. Операция қилмаса бўлмайди. Унга қўл пул керак. Бегуноҳ гудакнинг қийналатганини қўриб сочларимга оқ тушиб кетди.

Сизнинг қайгуларингиз менинг қайгуларим билан тенгмикан?! Юлдуз исмли қизалоғимнинг гапира олиши, одамлар қатори овқат юта олиши, яшаш учун суғий танглай қўйдириш керак. Юлдузга моддий ёрдам зарур.

Сиз эса туқликка шўхлик қилиб яшаяписиз. Маблағи, бойлиги ошиб-тошиб кетганлар ахлоқан тубанлик ботқоғига чуқиш ўрнига ҳаётда қийналганларга, чорасиз қолганларга ёрдам қўлини чўзсалар, у дунё-ю, бу дунёлари обод бўлиб кетмасмиди...

Зулҳумор Сапарова,
Бекбад шаҳри

ЙИГИРМА БИР
ДОНА АТИРГУЛ

...Яхши умидлар билан турмушга чиқиб, бахтсиз воқеа сабабли уйимизга қайтиб келдим. Фарзандим йўқ эди. Яна ўзим ишлайдиган шифонага ҳамшира бўлиб жойлашдим. Энди ишонамда ҳамма менга сал бошқача назар билан қараётганлигини сезардим. Бу кўнглимни ҳуссага соларди. Бир гал тугилган кунимни нишонларди. Йигирма бир ёшга тулаётгандим. Кўнгли чукмасин дедим, шурлик онам яхшилаб бозор қилиб, бир тоғора ош дамлаб ишонамда олиб келди. Баҳоли кудрат эзилган дастурхон атрофида ҳаммасларимиз менга яхши тилаклар билдиришиб, совгалар ҳадя эттиди. Шунда жарроҳлик бўлимига янги келган Ҳаким ака менга йигирма бир дон қип-қизил атиргул ҳадя этди.

Шу кундан бошлаб эзгин кўнглим тубида нимадир қуйлаб юборгандек бўлди. Ўзим билмаган сехри куй кун сайин силри ва баландроқ қуйлаб бошлади. У киши илгари ҳам менга ҳурмат билан илқ муомила қиларди. Кейинчалик ҳам ўша самимий муомиласини ўзгартирмади. Мен эса... Ҳаким аканинг нимадир дейишини кутардим. Ишимга учиб келар, уйга шошилмасдим. Айниқса, ака наватбачилигига ҳамшира бўлиб қатнашиб менга бахт эди. Бир кун у таътилга чиқди. Келгунча кўзларим турт бўлди. Бироқ қайтганидан кейин ҳам ўша ийимиз бир маромида давом эттаверди. Ҳаким аканинг ажойиб оиласи, икки фарзанди бор эди. Хотини Дилором опа мени танир, синглисидек куради. Лекин мен гуноҳдорнинг кўнглимда унга нисбатан адоватми, ра-

УЛАРГА НЕ ДЕСАМ ЭКАН?

Агар инсон ҳеч ким билан дардлашмасе, ҳеч кимнинг изтироблари-га дуч келмасдан беғам юраверади.

Мана бу мактубларни ўзим билан анча олиб юрдим. Кунда бир ўқий-ўқий, мактуб эгаларининг бири синглимдек, бири укамдек бўлиб қолди. Лекин, нимагадир уларга жавоб ёзишга қийналардим. Улар кўн-гироқ қилишар, ёки ўзлари келишиб, агар шу мактублари газетада босилса, дардлари енгиллашишини айтишарди.

Ўша мактубларнинг бирида йигирма бир дон атиргул ҳақида ёзилган эди.

шкми, ҳуллас, шунга ўхшаш бир нима борлигини туйардим. Билардимки, севиб қолибман. Бу иложсиз, бахтсиз ишқ мени куйдирарди. На ундан кечиб буларди, на уни айтиб буларди. У совга қилган атиргулларнинг қурб қолган гўлчаларига ҳануз асрайман. Охири уйлай-уйлай, ўзимни қўлга олишга, у кишини унуттишга аҳд қилдим. Бироқ бу дилхун қалбимни ўз айтганимга қундир олармиканман-а? Сизлардан жавоб кутаман.

САБОХАТ

ҚАЛБИНУР...

«...Кўп қизларни танлай-танлай Махбуба исми бир қизга уйландим. Унинг қариндошлари ўқишга қиримизга ёрдам беришди. Ўқимиз туғачан, яхши ишга ҳам киришиб қўйишди. Туйимизгача бор-йўғи икки марта қургандим. Туйимиздан кейин эса уни, хотинимни қаттиқ севиб қолдим. Куча-қуйда мен учун аёллар йўқдек эди гўё... Бахтим чегарасиздек туюларди. Ҳаммаси шамоллаб касалхонага тушиб қояшим-

дан бошланди. Бизга укол қил-дадиган ҳамшира қизнинг исми Қалбинур экан. Кейин бил-сам, унинг икки қизи бор, оиласи бузилган экан. Лекин жуда ёш қуринарди. У ширин-суз, меҳрибонлиги билан бе-морларга ёқарди. Ҳамма уни мактарди. Тўнги наватбачиликда у мендан ўқитган китобимни бериб туришимни суради.

Шу-шу таничиб, гаплашиб утирадиган бўлиб қолдик. Унга қаттиқ ачинардим, ўзимнинг ҳам баъзи дардларимни айтардим. Бирга ҳасратлашар-дик.

Соғайиб уйимга жавоб теккан кун би дар дустим қурда-қуймай мени тугилган кунга тақдир қил-ди. Мен эса ишда бўлишга қа-рамай Қалбинурни ҳам бирга боришга амаллаб қундирдим. Ҳуллас... Тугилган кундан кейин бирга қилиб кетдик...

Эртаси кун уйга борганим-ча дустимнинг хотини Нафиса телефон орқали ҳамма гапни хотинимга етказишга улуғриб-ди. Шу кундан ҳаётим жаҳан-намга айланди, десам янглиш-

майман. Онам қарғайди, хоти-ним уйни бошига қутариб ме-ни ҳақорат қилар, йигларди. Ялина-ялина уни шаштидан ту-ширдим. Унга бошқа ҳиёнат қилмасликка сўз бердим, қа-сам ичдим. Кейин номардлар-ча иш тутдим... Бор айбни Қалбинурга тунқадим. Қалби-нурнинг менга ишониб айтган энг яширин сирларини ҳам хо-тинимга айтиб, мени йўлдан урди деб, унинг шаънига но-ҳуя гаплар айтдим. Шундоқ қилсам хотиним анча тин-чиди, деб уйлагандим-да. Билсам, чучварани хом сана-ган эканман. Ҳамма моҳоро шундан кейин бошланди. Ло-вуллаб турган хотиним кийин-ганича, ўқдек отилиб уйдан чиқиб кетди.

Эртасига хотинимнинг касал-хонага келиб Қалбинурни бу-тун ҳаммасларни орасида ҳақо-ралаб, бош врачдан уни иш-дан бўшатишини талаб қил-ганини эшитдим.

Уйга қайта туриб эса энг оғир ҳолатга дуч келдим. Бе-

катда икки қизчаси билан юлғинга кийиниб олганича, автобус қутиб турган Қалби-нурни кўрдим. Унинг қўлла-рида юклари бор, назаримда олисларга отланганди. Яқин-роқ бориб, машинамини тўх-татдим. Ундан узр сурамоқчи, рози бўлса ҳамма нарсадан кечиб, улар билан кетишга ҳам тайёр эдим. Лекин у ме-ни таниди-ю, тескари қараб олди. Машинамдан тушгани-ни сезди-да, келиб тўхтаган автобусга чиқиб кетди.

Шу кундан бошлаб яша-шимда, еган-ичганимда ҳало-ват қолмади. Хотиним ҳам тинчиб, ўзи билан ўзи овоза бўлиб кетди. Аммо, мени виждон азоби эзгандан-эз-ди, оҳларимдан аланга чиқа-ди.

МАДИЁР

Азиз газетхон! Мана мактублар билан та-нишдингиз. Йигирма бир ёшли махзун син-глимиз тошкентлик, у тахририятимизга тез-тез келиб туради. Ма-диёр эса Хоразм воҳа-сининг олис бир қиш-логига яшайди.

Муҳаббатнинг сўк-моқлари кўп, қоронғу ўрмонлари, саҳролари кўп... Кимлар бу йўлда адашади, кимлар эса йўлини топиб олади...

Мактуб эгаларига ни-ма десам, қандай, маслаҳат берсам экан?

Сиз нима деган бу-лардингиз?

БАСИРА САЙИД АЛИ

Мен ишлаган Республика радиоси-да еши ути қолганига қарамай ҳамон турмуш қурмаган қизлар кўп. Шулардан бири Ҳафиза (шартли равишда уни шу ном билан атадим). У бошқа «қари қиз»ларга ўхшамайдиган. Дуслар, дугона-лар даврасида қилиб, ҳазиллашиб «ку-ноқ, бахтли қиз» ролини уйнашга ҳа-кат қилади. Лекин унинг қўзлари... Ўқ қилиб турганда ҳам қўзлари шодлиқдан қақнамайдиган. У ўз ақиллари даврасини тарк этиб, неча шаҳарда ижара уйда ту-рганини сурасам:

— Эй, асти сураманг. Ёшим 26 да эди. Мени отам тенги одамга ўчинчи хо-тинликка сураб келишганида кечаси билан йиғлаб, уламай тоғ оттирганман. Кейинчалик кимнинг хотини улса, кимни-гидир хотини тақдир тақозоси билан аж-рашса юрагимни ҳовулаб юрадиган бўл-дим. Бахтимни излаб шаҳарга келганим-да 29 ёшда эдим. Ишда обрўйим жойи-да, бироқ ханузгача бахтимни топганим йўқ. Одамлар «кўнгли ярим» деб ҳам-иша яхши муомиланда бўлишга интилса-

шундай юрасан. Битта бойроқ одамнинг никоҳига ўтиб олсанг-чи. Ҳеч бўлмаса сенга уй-жой олиб берса бўлди-да, — дейишади. Уларга айтишга осон. Мен ҳам ўз тенгини топишни истаётман. Би-ровнинг эрини қутиб яша... Ёки отам тенги бойроқ одам билан... Ўйқ йўқ, ас-ло бундай қила олмаيمان. Бировнинг уйини бузиш фикримда бўлганда эди, ал-лақачон шу ишни қилган бўлар эдим. Шу йўлни тутган қизларни ҳам қўрқаман. Янги русм бўлган қўйлақлар шуларнинг эғидида. Мен эса ёлғизлик қийин ҳам қия олмаيمان. Баъзан «Нима, ўлганимдан сўнг, қабрим теласига пок ва ҳалол эди», деб эзиб қўйишадими? деб бош-қа қизлар қаби йўл тутсамми, дейман. Лекин нимадир йўл қўймайди. Ўзим ҳам билмайман. Бундай яшаб ҳам бўлмайди.

— Ҳавтда турмушдан «қўйганлар» оз-ми? Сизга ўхшаш ибодли қиз уларнинг оила гулшанини обод қилиши мумкин. Халқимизда «ўтирган қиз урини толар», деган мақол бор. Эшитганимиз? Хали

Дил ихлоси

У ҲАМ ЎЗ ТЕНГИНИ ТОПСА...

лар ҳам нималардир менга тошдек қат-тиқ ботди. Баъзан уйсиз ижарада яшаб жонимга тегса, баъзан моддий қийинчи-ликлар эзди. Аянчи тақдиримни уйла-сам, беҳуда утаётган умримга ачинаман. Мана ёшим ҳам қирққа қараб кетаяпти. Яқинда 19 йилдан сўнг шифолашар билан учрашдик. Айрим дустларимнинг бо-лалари уларига тенглашиб қолдиби. Қиз чиқарадиган, ўғил уйлайдиган бўлишиб-ди. Ёлғизгина мен нима учун, ким учун яшаётганимни ҳам билмай шунча вақт-ни ўтказибман. Бу орада дилимдан ўт-ган оғриқлар, азобларни фақат ўзим би-ламан. Жонимдан туган пайтларим бў-ладми, бироқ бизларни оғтасиз тарбия-лаган мунис онажоним бу мусибатга дош беролмасликлари билганим учун ўзимни тутаман. Сиз билмайсиз, биз «қа-ри қиз»лар ута бардошлимиз. Мактабда ўқиб юрган кезларим тақдирим шундай бўлади, деб сира уйламаган эканман.

курасиз, сизнинг бу дил нолаларингиз ширин эртаққа айланади...

— Шундай бўлармикан, — дейди Ҳа-физа жүрсиниб ва секингина ёнимга бир қозони суриб қўяди. Унга қўз югуртира-ман.

«Юрагимда бир дард

йиғлар, алам йиғлар,

Ҳасратларни бита олмай

қалам йиғлар...

Шеърнинг давомини мен ҳам ўқий олмаётман. Юрагимдан отилиб чиқаётган нидо бўғзимга тикилади...

Яратган тағбирим, ҳар кимни ўз орзу-ниятларига етказгин. Шулар қатори ду-гонама Ҳафизанинг ҳам ўз тенгини топишни, дилининг тубидаги эзгу мақ-садлари рўвбга чиқишини жуда-жуда иста-тайман.

Муҳайё Мирсаидова

ТАХРИРИЯТДАН: Хурматли га-зетхонлар!

Ҳафизани бахтли эғишга қодир инсон бўлса бир энлик хат орқа-ли маълум қилса, биз уни эғаси-га топишармиз. Шодак, кимдир қимматли саваб бўлиб, ҳаётнинг юлдузлари онлари бошланса, қан-чалар савобли иш бўларди.

«КУНЛАРНИНГ БИРИДА...» ТАНЛОВИГА

АЙБДОР СИҚОН

Кунларнинг бирида маҳалла мачи-ти суфиси азон айта бошлади, шу дамда Хитойдан келтирилган соат ҳам тин-тим қилиб ўриндан туришга маж-бур қилди. Ташқарига чиқсам, қор бўралаб ёғиб турибди. Қайтиб кириб ўринга чўзилмоқчи бўлиб турганим, бизнинг «бўлбул гуё» сайраб қолди-лар. Булбул фасли баҳорда, гул ғу-чаларига термулиб туриб сайраса, бизнинг «бўлбул» йил фаслига ҳам, об-ҳавонинг иссиқ-совуғига ҳам қара-майди.

«Ҳой, адаси, Сиз ҳам бошқаларга ўхшаб, вақтлорқ туриб ишингизга бориң. Бирини-бирга уриб, икки қи-линг, гул топиш ҳаракатига тушинг. Иқтисодий қийинчилик бўлса, ҳамма у ёққа — бу ёққа чоппан. Сиз эса уйкудан бош қутармайсиз». Бир «уф» тортидим-у, ташқарига чиқиб юз-қўл-ларимни ювиб келиб, нонуштага утир-дим. Бобом раҳматли айтардилар: «Ишни қилсанг, аста қил-пўхта бўл-син, таом есанг, шошмай е-ҳазм бўл-син»... Шу нақлга амал қилган ҳол-да нонушта қилиб ишга олтандим. Қор хали ҳам ёғиб турибди. Хотинга лўқма ташладим. «Бундай ҳавода я-ши хотин итини ҳам кучага чиказ-майди»...

Ишхонага бордим, ораси яқин ав-то уловни бир айландим, озгина таъмирлаш ишлари бор эди. Ҳаво со-вуқ, темир тишлаётган. дейди. Аста бориб хисобхонага кирдим. Ҳамкас-лар гурунлашиб утиришибди. Мен ҳам уларга қўшилиб тушликкача утир-дим. Тушлик қилгани уйга келсам, ҳеч ким йўқ. Беамалол утириб овқат-ландим. Ҳар бир инсонда бўлгани-дек, яхши таомдан сўнг иссиқ уйда уйку элтиа бошлади. Ётоққа кириб бир оз ёнбошлаб, афандига ўхшаб ҳавл сура бошладим. «Минг тангани ми ташлаб юборар экан», — деб. Шу пайт уйнинг бурчагиди бир на-рса қитир-қитир қилди ва чийиллаган овоз келди. Қарасам, бир сичкон у ёқдан — бу ёққа югуриб юрибди. Ёс-тиқни олиб пойлаб туриб бир тушир-дим. Секин-аста бориб, ёстиқни ости-га қўлимни тикдим, сичкон йўқ. Ёстиқни қутариб атрофга назар сол-дим. Сичкон йўқ, гиламининг остига киргандир, деб қутарсам, бир даста 100 сўмлик — 50 сўмлик пуллар,

бир текисда худди туршак ёйилган-дек ёйиб қуйилбди.

Илгари замонда «Аёл киши сочи узун, ақли қалта», дейишарди. Хозир-ги аёлларда соч қалта, лекин ақл-гиз-гиз. Ташлаб қўйса, билиниб қо-лади, деб атайлаб ёйиб қўйилган. Бу бизнинг эрталаб сайраган булбу-лимизнинг зарур бўлганда ишлар-тиш, деб асраб қўйган пуллари. Ҳи-зир бува ўзи қўллади, деб секин-аста олиб ишлатиб юравердим. Бирор ҳафталаб утандан сўнг, ўғлим «Ада сичқон қўлайиб кетибди, қопқон олиб келиб қўйсангиз бўларди», — деб қолди. Айни мўддао бўлди, тез-да қопқон келтириб ўша жойга қўйдим. Кетма-кет сичқонлар туша бошлади. Ёйилган пуллари ҳам ан-ча чуғи қамайиб қолган эди. Ётиб еганга тоғ ҳам чидамади, деганлар-ни рост экан. Кенчурун хизматдан келсам, биттаси «Алидо, қўр ёшли-гим», деб олиб ётибди. Битта 100 сўмликни олиб четларидан тишлаб-тишлаб оғизга тикиб қўйдим ва ҳеч нарсаси бўлмагандек, пул қаердан ке-либди, деб хотинга қараб қўйдим. Хотиннинг сал ранги ўчгандек бўлди ва сўмқа-пумкадан тушган бўлса ке-рак, деди. Ўғлим эса, пулни нима қиламиз, деб ойисига берди. Ойиси эса, ўзим тишлаган пулни ўзимга бе-риб «утказиб» юборарсиз, — деди. Эртасига гилам шолча остидаги пул-лар ҳам йўқ бўлди. Лекин бечора хотиним ичиди роса пулхур сичқон-ни қаргаган бўлса керак.

Ҳа, азиз дустлар, Сизнинг хонадо-нингизда ҳам қитир-қитир товуши келса бир қараб қўйинг. Балки...

Сичқон қай-чий қилиб,

келди ёнимга

Сезгандир балки,

тушунигандир дардимга.

Эй Ҳабиб, тур аста ўрингидан,

Кўтарил бурчақдаги

гилем-шолчани

Қўрмай-шошмай ишлатавер,

хотининг қўйган ақчани,

Қанча қарғаса

қарғайверсин, мен-

дек сичқон бойваччани.

Ҳабибулла Иброҳимов,

Тошкент

ТАБРИКААЙММАЗ!

**Хурматли
Лутифиҳон хола!**



Сизни оиламиз номидан таваллуд толган кунингиз билан муборакбод этамиз. Сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилаймиз. Бахтимизга ҳамisha соғ булинг!

Саодат, Назокат, Вилоят, Ахмал, Азиз, Саноат ва невараларингиз номидан

**Совмиш филми
АЗИЗЖОН!**



Сени таваллуд кунинг билан табриклаб, узоқ умр, бахту саодат, келгуси ўқишларингда улкан ютуқлар тилаймиз. Бахтимизга доимо соғ бўлгин!

Ота-онанг,
синглинг Шахноза

**Азиз отаждонимиз
РАЖАББОН!**

Сизни қутлуг 60 ёшингиз ҳамда қумуш туйларингиз билан табриқлаймиз! Фарзандларингиз номидан ўғлингиз Хайрулло

**Хурматли
МАХМУДАХОН!**



Сизни туғилган кунингиз билан чин дилдан табриқлайман. Сиҳат-саломатлик, узоқ умр тилайман.

Мурод

ИБН СИНО САБОҚЛАРИ

Ё НҒОҚ

• Ёнғоқнинг пишган мағзини чайнаб яра жойга қуйилса, фойда қилади.

• Ёнғоқ дарахти танасидаги елим, бадандаги яраларга суртилса тезда тўзатади.

• Ёнғоқ япроғидаги шираси илиқ ҳолда қулоққа томирилса, қулоқдаги йиринглашга қарши фойдалидир.

• Ёнғоқнинг мағзи қовурилиб, майдалаб киндик устига сепилса, ичак оғриқларини босади ва ич суришини тўзатади.

• Ёнғоқ қобиғининг шираси илиқ сувга солиб гар-гар қилинса, томоқ оғригини тўзатади.

• Вақти-вақтида ёнғоқ еб турилса, қурчак бўлишнинг олдини олади.

**С. АҲМАД
тайёрлади**

МАСЛАҲАТХОНА

ӨФРИҚААР ЎЎҚОЛАВУ...

Одатда буви билан бувага набиралар кўпроқ меҳрибон бўлишади. Айниқса, уларнинг қариган чоғларида тайёр өвқ-қул ҳам ана уша набиралардир. Табиийки, қарчилиқда гоҳо у ерингиз, гоҳо бу ерингиз оғриб туради. Шундай пайтлар ана уша набираларга орқа тептириш, ё кўл билан уқалатиш хоҳ эркак, хоҳ аёл бўлсин соғлиқ учун қони фойдадир.

Орқа тептиришда орқа тепавтган боланинг вазни аввалига енгилроқ бўлиши керак. Кунора ёки ҳафтада бир маротаба орқасини тептирган кексалар қон томирларидаги қонларнинг айланиши яхшиланиб, орқа умртқаларнинг қирсиллаши туфайли бадандаги баъзи тузлар парчаланиб, йиғилиб бораётган ёғлар эса аста-секин баданга тарқаб оғриқлар йўқола бошлайди.

Доимо бу машғулоти канда қилмай юрган киши бора-бора, ўз оғриғи барибаради катта одамнинг ҳам орқа тепишига парво қилмайдиган бўлиб қолади, яъни обдон чиниқади.

С. САЙДУЛЛАЕВ

Туш таъбирномаси

НОМИ КЎПОЛ ЭШИТИЛСА-ДА...

1981 йил эди. Олийгоҳга кириш учун ҳужжатларимни топшириб келдим. Шу кун оқшом ётиб туш кўрдим. Тушимда эшакка миниб кетаётсам, олдимдан бир баланд тоғ чиқиб қолибди. «Қандай утаман?» деб чўққиларга тикилиб турсам, эшак индамай юқорига чиқа бошлабди. Биринчи чўққидан ўтдик, иккинчи чўққидан ўтиб, учинчи чўққига чиқдик. Чўққига чиқиб нариги томонларга қарабман. Қарасам шундай гузал манзара эканки, қўзим қамашармиш. Шундай бир ажойиб, обод, озода, гуллар билан қопланган шаҳар экан. Шаҳарга самодан нур ёғилиб турганмиш. Хурсанд бўлиб «Бу шаҳар энди меники», дермишман. Уйғониб кетибман. Тушимни онамга айтсам, онам: — Эшак — мурод. Эшакка миниб чўққилардан ўтганинг — имтиҳонлардан ўтиб кетаркансан. У томондаги гузал манзара — сенинг кейинги ҳаётинг, — дедилар.

Онамнинг таъбирлари тўппа-тўғри чиқди. Ўз кўчим билан олийгоҳнинг она тили ва адабиёти факултетига кириб кетдим.

Иккинчи фарзандимга хомилалор эдим. Қўшним аёллар врач бўлгани учун мени уч-тўрт кун олдин туғруқхонага ётқизди. Бир кун оқшом соат иккиларда биқинимда оғриқ бошланди. 9 та аёл бир хонада ётибмиз... Ким аввал қутуларкин, деб қутиб турибмиз. Лекин бу ерга ҳаммадан кейин мен келганман. Ҳамоналаримга сездирмай ётавердим. Бир пайт қўзим уйқуга кетиб, туш қўрибман. Тушимда далада эмишимиз. Эрим менга «Мен бир жойга бориб келаман, агар сенга дўхтирга бориш керак бўлиб қолса, ҳов анави ерда эшакни эгарлаб қўйдим, миниб боварерасан», дебди. У киши кетган, мени дўхтирга бориш керак бўлиб қолибди. Эшакка қарасам анча узоқда эмиш. «Уни қачон бориб миниб келаман, ўзим кетаверай», деб йулга тушибман. Бир пайт қарасам эшак шундай юғриб келибдики, мен ҳайрон бўлиб қараб қолибман. У эса «Мин, мин» деб устига ишора қилармиш. Мен миниб йулга тушибман. Уйғониб кетдим. Қарасам, оғриқ анча кучайган. Соат 4 бўлибди. Туриб дўхтирга ахволимни айтдим. Ва осонгина утилчали бўлдим.

Мен бу ва яна бошқа бир неча тушларим орқали эшак номи қулоққа қўпол эшитилса-да, тушга кирса мурод эканлигига ишонганман.

Ҳ.САМАНОВА, Сирдарё вилояти

АРЗИ ҲОЛ

БОШПАНАСИЗ ҚОЛМАСАК ДЕЙМИЗ...

«Шурчи туманидаги Т. Бердиев номли жамоа ҳужалиги бошқаруви рухсати билан 1995 йилда «Ол-лаёр» охун» фирмасига 3 гектар ер берилган эди. Лекин фирма ёнида бир ярим гектар ердан яширинча фойдаланиб келинаётганди. Биз бу ҳолдан хабардор бўлиб жамоа ҳужалиги бошқаруви раиси, туман қишлоқ ҳужалиги бошқармаси ва ҳокимиятига шикоят аризаси билан мурожаат қилдик. Бироқ аризамиз шу кунгача текширилмади. Сунгра 7 ёш оила узоқошмачилик билан яширинча майдондан 10 сотихдан томорка жой ажратиб олиб, бир хоналик уй қуриб яшай бошладик. Шу йилнинг 14 сентябрь кунин туман ҳокимиятининг топшириғига биноан ИИБ ходимларидан 6 нафари келиб: «Ун кун ичида уларнинг бузиб чиқиб кетинглар, бўлмаса, бўл-дозер билан текислаб ташлаймиз», — деб тушунтириш хати ёздириб кетди.

Кунлар ўтгани сайин хавотир билан яшаймиз. Ишқилиб, бошпанасиз қолмасак, деймиз. Биз сизларнинг ёрдамингизга муҳтожмиз.

Х. Хуррамов

Тахририятдан: Биз ари ҳал қилган газеталарни ҳақ дея олмаймиз. Сабаби, уларнинг ўзлари қонунга хилоф иш қилишган. Уларнинг бошпанасиз қолмасак, деган хавотирларига келсак, албатта, Шурчи тумани ҳокимияти бу масалада ойдinлик қилмади ва жаавоб хати йўллайди, деган умиддамиз.

ТУЯНИНГ ДУМИ ЕРГА ТЕГМАЙДИ

«Ҳаётда ўз гушти кама-ридан бўлган фарзандига нафақа пули тулашдан қочиб юрадиган номард отлар ҳам учрайди. Гулсара Холдоровага уйланишдан кейин унинг дардига шерик бўлдим. Хотиним 1996 йилда биринчи оиласидан қонуний ажралишган. Бир яшар қизчаси билан қолган. Суд қарорига биноан отаси унга нафақа пули тулаши керак. Бағритош ота эса на қорасини қўрсатади, на нафақа пулини тулайди. Хотинимнинг Янгийер шаҳар судига қатнайвериш тоновни тешилди. Бирор жуяли жаовоб олганча йўқ. Суд раисини ку кундузи чироқ ёқиб топиб бўлмайдим. Ижрочилари эса «Ишонасига хат юборилган, сабр қилинг» дейишдан нарига ўтишмайди. Чаманда нафақа пулини туянинг думи ерга текканда оламиз шекилли.

**М. Улугмуродов,
Сирдарё тумани,
«Ҳақиқат» жамоа
ҳужалиғи.**

Тахририятдан: Ҳуш, нега бу масала ўзгил-қисил ҳал этилмапти? Аслимча, уч йил давомида пайсага солиб келишмоқда. Бу савоалга Янгийер шаҳар суди раиси қандай жаовоб берадир. Ҳаттичизни қутамиз эканоб СУЙ! Фақат туянинг думи ерга тегишини қутмас-дак зўтароқ ёзиб юборинг. Кейин хурсанд бўласиз.

К. ТОШ.

ТАБРИКААЙММАЗ!

**Хурматли
онаждонимиз
ЖАЛАЗААТЮН!**



Сизни қутлуг 48 ёшингиз билан муборакбод этаман. Бахтимизга соғу саломат булинг! Ўғлингиз ЗАФАРЖОН

**Адаждонимиз,
мильчиқ майорни
Шоштемиф**

ШАЛМАЗИМАЗЮН!
Сизни 38 ёшингиз ила қутлаб, соғлиқ ва омад тилаймиз.

**Истадгул, Темур,
Равшан, Гузал**

**Азиз ва меҳрибонимиз
Муқаддас опа!**

Биз сизни туғилган кунингиз билан табриқлаймиз. Сизга узоқ-умр, оилавий бахт ва омад тилаймиз. Бизнинг бахтимизга соғ-саломат бўлиб юринг.

**Ахуновлар
оиласи: онагиз
Рокия, укаларингиз
Мирхосил
Мирзатям,
келинингиз Муҳлиса**

**АЛМАШТИРАМАН
ЎКИ СОТАМАН:**

Х. Дустиглик метроси ёнида 10 хонали, 6 сотих ери бор, 3 қаватли коттеж.
Тел: 45-29-66
105-17-47

Шаҳар марказидаги 6 хонали, ери бор, планли ҳовли.
Тел: 53-17-16
58-31-23

ХОВЛИ ЁКИ КВАРТИРА СЎТИБ ОЛАМАН.
Тел: 58-16-09

ҚУРИЛИШ, ТАЪМИР-ЛАШ ИШЛАРИНИ БАЖАРАМИЗ.
Тел: 58-31-23
191-09-02

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти томонидан МИРЗАБАЙЕВА РАЪНО КИРГИЗ-БОЕВНА номига берилган 089768 рақамли йўқолган диплом
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Янгийўлга кетиш йўлида 4 хонали, 6 сотих ери бор, барча қўлайликларга эга бўлган дала-ҳовли сотилади.
Телефон: 35-57-46.

«Кунларнинг бирида...» конкурсига

- Бобом эркалаб менга «Яша, улим», дердилар.
- Мен оймга «Сиз ўлмайсиз, ёшсиз-у, ҳали» — дедим.
- Дадам бошқа уйланмадилар.
- Севиб турмуш курдим.
- Эрим узгарди — гап-суз, жанжал, ичиб келишлар бошланди.
- Рус аёли: «Он тебя не любит, любит только меня», — деди.
- Онажонимдан айрилганда шундай қийналгандим.

бир кунда букчайиб-сулиб қолгандилар. Узимга келганимда қўшимиз — онам билан опасингил тутинган аёлнинг тиззасида ётардим. Уқитувчим эса кетиб қолган эди. Кечда оймни олиб келишди. «Менингит булган экан раҳматли», — деди қўшимиз. Эртаси чиқар

дилар. Ёлғиз қизларининг улимни кутара олмадилар. Дадам ҳам бошқа уйланмадилар. Қолган умрларини бизга бағишладилар. Кир ювдилар, нон ёвдилар, доим кўнглимизга қарадилар. Тошкентга — техника олийгоҳига ўқишга кирдим. Тутатдим. Қўшиқ тур

қунгириги жиринглади. Қаршимда оёғида зурга турган рус аёли: «К вам можно», — дейди.

— Вы к кому? Я Вас незнаю. Может вы перепутали дверь, — дедим унга. Ёнимиздаги қўшиқларимиз руслар булгани учун адашиб келдим, деб уйландим.

— Если ты не знаешь, нельзя что ли? — У шундай деб, мени итариб юбориб тантанавор уйга кирди Шовкинни эшитиб чиққан эрим уни курдию, қотиб қолди. Иккаласи бир-бирига узок тикилишди. Гуё иккаласидан бошқа ҳеч ким йўқдек эди. Юрагим увушиб кетди, кўнглим бир ёмон нарсани сездим. Эрим дарров узи-га келиб пальтосини ечинтириб уйга таклиф қилди. Мен сузсиз дастурхонга боришни қўйдим. Меҳмон кутиб эдик. Келишмади. Мантим пишиб турганди. Столда эса ичимликлар қўйилган. Ҳамма нараса меҳмон учун безатилганди. Мант келтириб қўйиб ташқарига чиқиб кетдим. Қайтиб келганимда Оля (исми шундай) болаларим билан гаплашар, уларнинг отларини айтиб қақирарди. Англадимки, бу аёл эримни эски танишию қачонлардан бери бизни яхши билади.

«Унда нега бир-бирларингга термулишдиларинг? — деганимда, «Сента шундай туолган, бу аёл ишимга ёрдам берди, шу учун ҳақ беришга қақирган эдим», — дедилар. Ишондим, аммо қўзим олдида уларнинг бир-бирига тикилиши-ю, қўлтиқлаб кузатиб келишга кетганлари кетмас, юрагимда қандайдир гумон гирмиларди. Ҳафта утиб телефон жиринглади. Оля экан у. Эримни қақириб беришимни суради.

— Нима ишинг бор, эди? — дедим.

— Мен сenga ҳисобот бермайман, қақир», — деб буйруқ берди. Ҳўрлигим келиб, гушакни хойига қўйдим.

— Ким? — югуриб чиқди эрим.

— Уйнашингиз, — дедим. Эримнинг бировлар олдида

ўзини курсатиш одати бор эди. Юзу-қўзим аралаш ҳар томондан зарбалар келиб туша бошладилар. Қули-ю оёғи ишга тушиб кетган, ошхонада полда аганаб ётардим. У эса коптоқ қилиб тепарди. Алексей келиб ажратмоқчи бўлди. «Сен аралашма», — деб итариб юборди, эрим. Ўзбек аёли эрга баланд овозда гапирмаслиги керак, гап қайтарди у ёқда турсин. Мен унга курсатиб қўяман, хотин қандай бўлишини. Бу ё хотин бўлади, ё улади. Кучукдай олиб бориб қўмиб келаман, дерди у. Шу кунни узимдан кетгунча калтакландим. Ҳушимга келганимда ошхонада қўзилиб ётар, оғзи-бурним қон, бир қулогим шангиллаб ҳеч нараса эшитмасди. Ҳозир ҳам шу қулогим эшитмайди. Эрим уртоғи Алексейга хотин билан муомила қилиш қандай бўлишини, аёл қандай итоткор бўлишини курсатган эди. Шундан кейин Алексейни ёқтирмай қолдим. Агар у эркак бўлса бизни ажратиши, томошабин бўлиб турмаслиги керак эди. Бир ҳафта ишга боролмадим. Турмушимиздан биринчи бор кўнглим бўм-бўш бўлиб қолди. Мени калтакларкан шу гаплари эсимда қолди: «Оля сен уйлағандай ёмон аёл эмас. Биласанми, эрининг уйнаши бор. У эрини яхши қўрмайди. Тунлари эри уйга гоҳ келади, гоҳ йўқ. Келганида калтаклаб уради, тепади. «Эрим мени урарди-тепарди-ю», дерди: — Сен у еган тақвни еган эмассан... Оля еган тағву-тепкилар бундан бошқачароқмикан? Билмасди. Демак, эри урса, тепса, уйнашга борса, аёл бировнинг эри билан юриши, бировнинг тинч ҳаётини бузиши керак экан-да, дерди ичимда бир овоз. Демак, мен ҳам, — дерди кўнглидаги шайтон — кучага чиқиб бировнинг эрига эшилишим, бировнинг тинч турмушини бузишим керакми? Йўқ, йўқ, — дерди узимдан кетгунча яна бир кун. Шундан кейин бир ҳафта ўтди.

Кунларнинг бирида... яна Оля уйимизга кириб келди. У яна маст эди. У кириб тантанавор эълон қилди.

— Саодат, ты вот что, должна знать, он тебя не любит, любит только меня», — Эримга қараб буйруқ берди. — От чего боишься, трус, скажи тысяча раз который повторил мне!..

Тўшуниб етдимки, у бугун мен билан орани очик қилишга келган, озгина отиб олгани унга ёрдам берган эди. Оля эрим билан беш йилдан бери яшаётганини, эрим мен билан фақат болалари борлиги учун номига кун ўтказибганини эълон қилди. Мен учун ҳаммаси тамом бўлган эди. Қалбимдаги икки кишига ҳам етадиган оташин севи «Энди сenga яшаш ҳаром, сен энди ортиқхасан, сен энди улишин керак, улар бахтли бўлиши учун сен ул», — дерди. Азиз, меҳрибон онажонимни йўқотганимда шундай қийналганди. Шу кун худди шу ҳолга тушдим. Бошим айланиб узимдан кетиб қолдим.

(Давоми бор)
САОДАТ ХОТОН,
Тошкент

СИНГАН КЎНГИЛ ИЗҲОРИ



пайти қизи курсин, зора совиқиди, деб мени киритишди. Туни билан бобом оймни олди-га ҳеч кимни киритмай эшик тағида утириб чиққан эдилар. Курдим узимдан кетдим. Оймдан ҳеч нараса қолмаган, фақат тери ёрилиб ҳамма аъзолари олинган, ҳамма нараси қип-қизил қон эди. Каттиқ қўрқдимки, мен ҳам ётиб қолдим. Овқат эмас, нафасим етишмас, ётардим узимни юмолмас эдим. Йиғлаганим-йиғлаган эди. Дадамдан сингилчамни сураб келишди. Угиллари қулу, қизи йўқ оймларнинг уртоқлари «беринг», деб қўп келди. Хар сафар дадам йиғлаб «— Онаси улган бўлса, мен тирикман-ку», — дердилар. Ойм улганларининг йиғирманчи кун одамлар тулпанишди. Мен ётган уйга кирган хотинлардан бири иккинчисига пичирлаб:

— Махсумга оғир бўлди-да, қизи ҳам одам бўлмайди, ранги тупроққа ушаб қолибди. Шурликка осонми, икки улук чиқариш, — деди. Бу гапни эшитдим у нимадир мени сергаклантирди. «Йўқ, менинг улишим мумкин эмас, онам учун ҳам яшашим керак. Ахир онам бобомни, сингилмни менга ишониб кетдилар-ку», деб уйландим. Ҳаётда ўзимни-узим мажбур қилдим курашга, яшашга. Кейинчалик ҳам ўзимни ишонтириш билан қўл қийинчиликлардан утдим. Онам улимдан сунг, беш ой утиб, қабристондан бери келмай қолган бобом ҳам оламдан у-

муш курдим. Дадамлар куёвларини угилдек қабул қилдилар. Гуё мендан ҳам қўра унга мурувват қўрсатар, уни «ўғлим, ўғлим» деб ҳурматлардилар. Қизим, кейин бир ярим йил утиб ўғлим туғилди. Қўп ўтмай дадажонимдан ҳам айрилиб қолдим. Фақат мени ва ўкамни уйлик қилган дадамга ҳам бизнинг бахту тахминини кўриш насиб қилмади. Эрим бир насласхатлашиб кичик сингилмни олиб келдим. Қайнонамлар «Энди боламнинг умри етим боқиб, бири икки бўлмай утади», — деб озроқ жанжал ҳам қилдилар, кейин эса узларининг ҳам битта қизларини келтириб ташладилар.

Еш мутахассислар бир хонали барақда 4-бололи бўлиб қолдик. Эримда узгартишлар бошланди. Гап-суз, жанжаллар учиб келишга одатланди. Топганимиз ёб-ичишдан ортмай қолди. На телевизор, на музлаткич бор, устига-устак тоғаларининг оиласи ҳам бизнинг гарданга тушди. Нима десалар, қандай келсалар ҳурматлардим. У кишини еру қукка ишонмас, тунда қайтадиларми, тонгда қайтадиларми ухламай кутардим. Мен учун турмуш уртоғимдан азиз киши йўқ эди. Севги қизимни қўп, қулогимни қар қилиб кўрган эди. Битта сени севишинг иккаламизга ҳам етади, агар иккиси ҳам севса бир-бирига етишолмайди — бахтсиз бўлади ёки бирибис улади, — дердилар нуқул.

Кунларнинг бирида... Эшик

ТАҲРИРИЯТДАН: 13 бетлик бу мактуб икки ҳафтагача жойланган эди. Сизу бизнинг ёнимизда юрган, бир ҳаводан нафас олиб яшаётган аёлнинг ҳаёт-кечилишлари, изтироблари битилган бу мактубни чол элтишга унчалик ошқинмадик. Мактуб эгаси Саодатхон редакцияга қўнғироқ қилибми ва ё ташриф буюрибми қолса яқиндан танишми, бироз хирароқ аритилган воқеа сўнгида ойдинлик киритмоқчи эдик. Лекин Саодатхондан дарак бўлмади. Мактубнинг беш қисмининг эътиборингизга ҳавола этарканмиз, Саодатхон бу орада шовдиқ, ўзи ҳақида билдириб қўнғироқ қилади ва ё келади, шунда юзма-юз утириб суҳбатлашамиз, деб ўмид қилиб қоламиз.



БОЛАМНИНГ КЎЗ ЁШИ

Туйтепа шаҳри деҳқон бозори дарвозасидан кириб бораверишда майда моллар билан савдо қилувчи, 50-55 ёшлардаги Насиба исмли аёлнинг дардини тинглаб, оғир уйга толдим.

Мухтарам Насиба опа, ҳаётда нима-лар бўлмайди дейсиз. Кўзингизда аччиқ ёш билан «Боламнинг кўз ёши тутсин», дея аламла куйиндингиз. Икки фарзанди юзига оёқ босиб кетган кўвингизнинг қилимишлари қалбингизга доғ солибди. Биламан, Сиз онасиз, оналик меҳрингиз икки чақалоғи билан зор қақшаб қолган болангиз қаршисида чилларчин бўлибди. Унинг тортаётган азоблари қаддингизни дол қилибди. Аммо мен қизингизни мана бу

Азиз муштарий, баъзан Сиз мухтарам муҳлислар билан дардлашгимиз, тўйиб-тўйиб суҳбат қургимиз келади. Бироқ начора, Сиз кўпчилик-сиз, айтмоқчи бўлган гапларингиз ҳам бир дунё, шундай бўлсада, кўнглингизга таскин бўлиш биз учун катта бахт.

гапига қойил қолдим: «Онажон, мен «қизи қайтиб келибди», деган тавқи лаънатни Сизга олиб бермаман, эрим кетиб қолган бўлса, қайнона-қайнотам бор-ку, ахир. Ушларнинг хизматини қилаверай-чи, бир кун бандасидан бўлмаса, Худодан қайтар», — дебди меҳрибонингиз.

Оҳ, онажон, Сиз бахтли аёл экансиз, зотан Сизнинг шундай ақлли қизингиз бор экан. Кўвингиз масаласига келсак, айтадилар-ку, «От айланиб қозигини топади», деб. Бир кун у ҳам қизингиз оstonасига бошини эгиб боради, албатта. Сизга эса мен фақат сабр-тоқат тилайман.

ЭРИМ МЕНИ КЕЧИРАРМИКАН?..

Янгийул туманининг Ниезбоши қишлоғилик Дилфуза исмли аёл ана шундай андиша билан 70 кундан кейин оиласига қайтмоқчи бўлиб уйига кетганди.

Дилфузахон, сиз оилангизни тоplingизми, йўқми, бу ёғи менга қоронғу, аммо сизнинг келар йўлингизга кўз тутиб утирган уч нафар фарзандингиз менинг ҳайлимдан сира-сир кетмаяпти. Ахир сиз она бўлиб уларни севмасангизда, бироқ улар фарзандлик меҳри билан сизни интизор қўтишаётганига имоним қомил. Зотан бечора болаизорлар оналари-нинг уйдан чиқиб кетгандан кейинги 70 кунлик қора кирди-қоридан беҳабар бўлсалар не ажаб. Ҳар нечук эрингиз сизни кечирса, кечирмасада, фарзандларингиз олдида қайтсангиз нақадар савобли бўларди. Зеро, ҳеч бир аёл болаларингиз олдида сиз ёмон онасидек яхши бўла олмайдик-ку.

«МЕТРО ИЛТИМОС КИЛАДИ-КУ?!»

Асли хоразмлик, лекин Тошкент тумани Келес шаҳрида муқим яшаб қолган кекса рубойнавис шоир Рузи Мухаммад Хоразмийни кўпчилик шоирлар яхши билишди. Бу инсоннинг ёши 71дан ошган бўлсада, ҳамон бардам-бақувват, урта ёшли кишиларда бўлгучи куч, шижоат, устознинг жуссасидан ҳам аримага.

Хуллас, бир кун Хоразмий билан метронинг «Чорсу» бекатидан поездларга қидиғу, уриндикларни банд қилиб утиргандар қаторидаги 2-3 та ёшларнинг бирортаси ҳам урнидан қўзғалмади. Кейинги Гафур Ғуллом бекатидан ҳам ёши улғуроқ икки киши вагонга кириб келди. Бироқ, яна уша ҳолат такрорланаверди. Поездими Алишер Навоий бекатига етиб борди. Тушганлар тушиб, янги йўловчилар вагонимизни тирбанд этишди. Ҳамон анави икки ёш утирган, устоз эса тик овқда эди. Шу пайт метро тилга кирди:

— Ҳурматли йўловчилар, илтимос, ёш болали, ногирон ва кекса йўловчиларга жой беринг.

— Эҳ-ҳа, — деди устоз, — қачон бу ёшлар утиришга тўякин, қачон улар ҳам шижоат билан юраркин. Ахир, ҳатто метро илтимос қилди-ку, буларни безрайиб утиришни қара, — дедилар.

Ҳурматли устоз, ўзим ёш бўлганим учун уша икки тенг-қуримнинг бу қилимишдан ҳаляям хижолатдаман. Бироқ, эсингизда бўлса, улар уятдан дувва қизариб кечирим сўрай-сўрай вагондан тушиб қолишди.

Сайид ОЛИМ

(Давоми. Боши ўтган сонда)

— Агар ихтисосингиздан келиб чиқадиган бўлсак-чи? — унинг сўзини бўлди лейтенант Қорабоев.

— Тиббиёт нўқтаи назарида учо-виям патологик улимга дучор бўлган. Бунги экспертиза ҳам тасдиқла-ди. Масалан, ҳалиги артист бор-ку, Шариповмиди?

— Ҳа, — деди лейтенант Қорабоев гапнинг давомини қўтиб.

— Ушани жуда азобда жон бергани куришиб турибди. Қон-асаб томирлари бўртиб чиқиб қотиб қолган, туқималари жуда тез бузилган, очик қолган кузларида ҳам оғриқ, ҳам азоб аломатлари бор... Бунга унинг қони таркибидан аниқланган наркотик модда сабаб дейиш мумкин. Лекин бу ҳам камлик қилади... Анави пьен-ниста ўқутувчига келсак, кул-оёқлари бутунлай акашқаб бўлиб қолган. Шимолий муз океанида музлаб қолган одам ҳам бундай аҳволга тушиб қийин. Бунинг устига ҳали кўнлар ис-сик... Учинчиси ким эди? Тижоратчи-ми?

— Ҳа, бозор директори, — деди Қорабоев яна сигарет тутатиб.

— Уям анча қийналган. Текширув натижаларидан билишимча, унинг жасадини хиббондан чиқаверишдаги ариқ ичидан топишган. Гўё уни ким-дир таъқиб этгану, у қочибга урин-гандек... Булмасаку, шундоқ шаҳар маркази. Уша ариқ билан катта куча орасидаги масофа бор-йўғи ун-ун беш метр ҳолос. Агар кимдир қувиб келавтган бўлса биров қуриши, бозор директорининг ёрдам сўраб ба-қирганини битта-яримта эшитиши керак эди. Лекин бундай бўлмаган.

Энг кизиги, сунгги дақиқаларда уни-нг юраги ёрилиб улган! Ё нимадандир қаттиқ қурқиб кетган ё чучиган!...

— Шундай бўлиши мумкинми? — суҳбатдошига синчковлик билан тикил-ди Қорабоев.

— Ҳа, лекин бунинг учун жиддий са-баб бўлиши керак!.. Уша бозор дирек-торини ўзингиз қўрдингиз-ку, дедек беқувват, соғлом йигит бўлган... «Ка-саллик варақасидан аниқланишича, умрида бир мартагина касалхонага

онаси, хотини, бешта боласи бор экан. Эрдан қайтган синглисаям икки-га боласи билан уларникида яшаркан. Маҳалла-қуйдан ҳам суриштирдим. «Жуда яхши йилгит эди. Фақат кейин-ги пайтларда ичкиликка берилиброк кетганди. Кўп галирдиқ, танбех бер-дик, панд-насиҳат қилдик, қор қилма-ди», дейишди. Кейин мактабдан, иш-дан бушатилибди.

— Мактабга ҳам ароқ ичиб бора-верган бўлса керак-да, — лўкма таш-

«АЖАА ХУЁБОНИ»

(Саргузашт-мистик қисса)

иши тушган экан ҳолос. Уям бўлса, бо-лаликда қурчағи жарроҳи қилинган экан. Бошқа дарди бўлмаган. Боз уст-ига ичмаган-чекмаган. Юраги уёқда турсин, «Касаллик тарихи»да ҳатто шамоллагани ҳақида ҳам икки оғиз гап йўқ.

— Ҳамма гап шунда-да, Собир ака, — деди лейтенант Қорабоев ва уйчан таразда қўшиб қуйди. — Бошим қотиб-рок қолди Агар биронтасининг юра-ги ё жигари оғир касал эди десак, бошқа гап эди. Агар бу уюштирилган нарса десак, бунга ҳам ўхшамайди.

— Гувоҳлар билан гаплашдингизми?

— сўради доктор.

— Гаплашдим.

— Хуш, улар нима дейишяпти?

— Олдиндан бир нарса дейиш қийин, — деди лейтенант Қорабоев муҳкам қилиб. — Қайси кунги ўқуту-чи Сатторовнинг уйига бордим. Жуда бечорахол одамлар экан. Кекса ота-

лади доктор.

— Ҳа, шунга ўхшаш бир гап, — да-вом этди Қорабоев. — Кейин марди-корчилик қилиб қўрибди. Қўлида тузук-қуруқ касби-хунари бўлмаган одам нима-ниям қилаоларди. Чорсу бозорида арава судраб юк ташиб, тоганини ичаркан... Охир-оқибат уйига ҳам кел-майдиқлиб қилиб қўрибди. Охирги мар-та уни катта қизи Жанубий воқалда бошланасиз урис дайдилар тудасида қўрган экан. Йиглабди-сиктабди, яли-нибди-ёлворибди. «Уйга юринг», де-ди. Ҳар ҳолда, нима қилсаям ота-да!... Сатторов бўлса сўйиб, хайдаб юбориб-ди. Ушандан кейин икки кун ўтлач, хиб-бондан ўлиги топишган...

— Қолганлари-чи? — қизиқсинди яна доктор.

— Улар ҳақида ҳам бир нима дейи-шим қийин, — деди Қорабоев ва уйчанлик билан қўшиб қуйди. — Кеча

Эркин УСМОНОВ

актёрнинг уйига боргандим.

— Хуш-хуш? — сўради доктор.

— Ҳа, шунчаки ўзим. Уша тараф-га йўлим тушиб қолганди. Актёрни-нг, жасадини аллақачон тугилган қишлоғига-Учтепага олиб кетишгани-дан хабарим бор эди. Шунга кара-май, негадир унинг уйига бир мурал-лаб ўтим келди...

Хуллас, эшик кўнгиригини бос-дим. Ҳеч ким очмади. Энди орқага қайтмоқчи эдим, шу пайт ичкаридан шип-шип қадам товушлари эшитил-гандек бўлди-ю, уша захоти тинди... Ҳайрон бўлдим. Назаримда ичкари-да кимдир борга ўхшайди. Яна эшикни тақиллатиб қўрдим. Очилма-ди. Ташқарига чикдим. Актёр яша-ган учинчи қауат деразасини санаб, тевминан толдим. Ва шу пайт қўли-маганда уша хона деразасининг та-вақалари аста-секин очилганини кўр-дим, қандайдир одамнинг шарпаси ҳам кузга ташлангандек бўлди. Югу-риб орқамага қайтдим. Яна эшик кўн-гиригини босдим. Ниҳоят эшик қул-фи шикирлаб очилди...

Лейтенант Қорабоев ўз соҳасида суяги қотган, тақрибли шифокорни-нг шу тоғда қамоли хайрат ичида узига тикилиб утирганини қўриб, бе-ҳадир қулгиси қўстади, лекин бунги сездирмасликка ҳаракат қилди ва беҳиётёр ўзи ҳам уша, кечаги ман-зарани кўз олдида келтиришга урин-ди...

— Шундай қилиб, сиртига қизғиш чарм қопланган темир эшик аста очилди ва...

(Давоми бор)

Оила ва жамият

Муассисларимиз:
Ўзбекистон Республикаси
Хотин-қизлар қўмитаси,
Болалар жамғармаси ва
«Соғлом авлод учун» Халқаро
хайрия жамғармаси

Шioriимиз:
Оила - жамият фахри

БОШИ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Телефон:
Беш муҳаррир - 133-28-20
Қўлият - 34-86-91
Эътибор бўлими - 136-56-52

МАНЗИЛИМИЗ
Тошкент- 700000,
Амир Темур кўчаси,
1-тор кўча, 2-уй.

«Шарк» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Матбаа Тошкент, Буюк Гурон кўчаси, 41- уй.
Босмага топшириш вақти - 20.00.
Босмага топширилди - 18.30.

Ҳомий
«Матбуот тарқатувчи»
акциядорлик жамияти

Обуна индекси - яққа обуначилар учун 176
ташкilotлар учун 177
Рўйхатга олиш № 33
Буюртма ГИ - 0340
21317 нусхада чоп этилди.
Формати А-3, ҳажми 2 босма табоқ.
Чоршанба кўнлари чиқади.
Бахоси эркин нархда.
Набатчи Қомил ТОШ